

(1097-1156)

(1128-1256)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразм хукмдори. Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган, салжукийлар султони Санжарнинг вассали бўлган. Лекин у Хоразмни мустакил давлатга айлантиришга интиланган. Отсиз Санжарнинг рухсатисиз аввало Жанд ва Мангишлокни эгаллаб ва Туркистоннинг ичкари туманларига юриш қилиш билан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган. Шундан сўнг у ўзини мустакил деб эълон қилган, Бирок 1138-йил Ҳазорасп яқинида Санжар кўшини томонидан мағлубиятга учраб, мамлакатдан қувгин қилинган. Санжар ўзининг жияни Сулаймон бин Мухаммадни хоразмшоҳ этиб тайинлаган, лекин келаси йили Отсизни Хоразм аҳолиси чақириб олган, шахзода эса қувиб юборилган. 1141-йил майда Отсиз Санжарга тобелик изҳор этиб, умрбод унга садокат билан хизмат қилишга қасам ичган, лекин бир неча ойдан сўнг Санжар қорахитойлардан енгилгач (1141-йил 9-сентябр), қасамини бузган. Отсиз ўша йили қузида қучли кўшин билан Хуросонга юриб Марвни эгаллаб олган; келаси йил баҳорида Нишопурни тобе этган, бирок Санжар томонидан дарҳол қувиб юборилган. 1143-44-йилларда Санжар яна Хоразмга юриш қилган, Отсиз қучи озлиги туфайли унга тобелик изҳор қилган. Шундан сўнг бир оз вақт ўтгач, Отсиз 3-мартга исён қўтарган ва Санжарнинг элчисини (шоир Адиб Собир) Амударёга ташлаб юборишни амр қилган. 1147-йил ноябрда Санжар 3-мартга Хоразмга юриш уюштирган, 2 ойлик қамалдан сўнг Ҳазорасп шахрини олган ва Гурганжга яқинлашган, 1148-йил июнда султон билан шахсан учрашув чоғида гарчанд ўзини такаббуруна, гердайган ҳолда тутган бўлса-да, Отсиз султонга тобелик билдиргач, ўз лавозимида қолдирилган. 1153-йил Санжар ўғузлар қўлига асир тушиб қолган. Отсиз бу сафар султоннинг содиқ хизматкори ва химоячиси сифатида яна Хуросонга юриш қилишга шайланган ва ўзига Амул шахрини беришни талаб қилган, бирок рад жавобини олган. 1156-йил у Нисога келиб асирликдан қочган Санжарга ўз садокатини билдирган, лекин шу йилнинг 30-июлида Хабушон (ҳозирги Қучан)да 59 ёшида вафот этган.

Отсиз Каспий денгизи сохилларидан то Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар бўлган ерларда, кейинчалик буюқ давлат сифатида шўҳрат топган Хоразмшоҳлар давлатининг пойдеворини барпо этган эди.